

ВИРТУАЛ МАЙДОНДА АХБОРОТНИ САҚЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Рискимов Бехзод Элзод ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти
Юридик таъминлаш бошқармаси ҳуқуқий тарғибот ва инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш бўлими катта юрисконсулти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада айни вақтда виртуал майдонда ахборотни сақлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиниши ҳамда интеллектуал мулк объектларини самарали ҳимоя қилинишига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар: *Виртуал майдон, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” 2006 йил 20 июлдаги 42-сон Қонуни “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-560-сон Қонуни, Умумий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги регламент (ГДПР).*

АННОТАЦИЯ

В данной статье осуществлен анализ нормативно-правовых актов, направленных на регулирование отношений, связанных с хранением информации в виртуальном пространстве, а также эффективную защиту объектов интеллектуальной собственности.

Ключевые слова: *Виртуальная площадка, Закон Республики Узбекистан от 20 июля 2006 года No 42 "Об авторском праве и смежных правах," Закон Республики Узбекистан от 11 декабря 2003 года No ЗРУ-560 "Об информатизации," Регламент о защите общих данных (ГДПР).*

ABSTRACT

In this article, at the same time, the analysis of legal documents aimed at the regulation of relations related to the storage of information in the virtual space and the effective protection of intellectual property objects was carried out.

Keywords: *Virtual field, Law No. 42 of the Republic of Uzbekistan "On Copyright and Related Rights" dated July 20, 2006 "On Information" Law No. ORQ-560 dated December 11, 2003, General Data Protection Regulation (GDPR).*

КИРИШ

Дунёда ҳамжамиятининг илм-фан, хизмат кўрсатиш ва одамлар ҳаётини яхшилашда эришган кўплаб ютуқларида виртуал маконнинг ўрни бекиёс.

Виртуал макон кўплаб имтиёзларни ўз ичига олади. Бу имтиёзлардан илм-фанни ривожлантириш, билим ва амалий кўникмаларни амалга ошириш учун фойдаланиш билан алоҳида аҳамият касб этади, бироқ бундай майдонга қадам қўйиш билан бирга нотўғри талқин этилган ахборот ресурслари инсониятни хавф остига қўяди. Барча фойдаланиши мумкин бўлган виртуал маконнинг асосий афзаллиги – бу ахборотнинг тез тарқалишидир.

Мамлакатда давлат органларининг виртуал маконда иштирокини таъминлаш, электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг ягона тизимини ривожлантириш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштиришнинг янги механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат ҳокимияти тизимида янги институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, жойларда эса Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражалардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан уларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш бўйича самарали ҳамкорлик тизимига айланди.

Жадал ривожланаётган миллий ахборот-коммуникация инфратузилмасининг янги ахборот технологияларини фаол қўллаш ҳисобига давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро тезкор алоқа ўрнатишини таъминламоқда.

Дунё миқёсида ахборот технологияларининг ривожланиши, XXI аср – ахборот технологиялар асри бўлганлиги, инсонларга қанчалик қулай бўлган бўлса, шунчалик уларнинг ҳаёти ва шахсий маълумотларига бўлган хавфсизликнинг камайишига олиб келмоқда. Бунда фуқаролар ўзларининг Виртуал майдондаги ахборотларини шахсий ҳаёт дахлсизлиги мос равишда англай олишлари керак.

Биринчи навбатда, қонунчиликда ахборот ресурслари деганда нима тушунилиши қандай бу турдаги тизимларнинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини билиб олиш лозим.

Ахборот ресурси деганда ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, шу жумладан ахборот тизимларида очик шаклда жойлаштирилган ёхуд эълон қилинадиган аудио, видео, график ва матнли ахборотлар;

ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс; тушунилади.¹

Бугунги кунда рақамли технологияларнинг ривожланиши ва интернетнинг тез фурсатларда тарқалиши виртуал маконда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланишга улгуриб бўлди.

Ушбу рақамли муҳитда ахборот бир хил қимматли ресурсга айланди ва уни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш мураккаб ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солиниб, инсоннинг ўрни ва унинг мажмуаси интеллектуал мулкка қизиқишини тобора кучайтириб келмоқда.

Виртуал макон контекстида интеллектуал мулк тушунчаси муаллифлар, ихтирочилар, ижрочилар, ишлаб чиқарувчилар ва бошқа шахсларга уларнинг интеллектуал фаолияти натижаларига бериладиган мутлақ ҳуқуқдир.

Виртуал маконда интеллектуал мулк объектларини қуйидагича тоифаларга бўлган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлади:

Муаллифлик ҳуқуқи – ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо), оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо), овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо), тасвир (расм, эскиз, манзара, тарх, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо), ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо), бошқа шакллардаги.²

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади

Турдош ҳуқуқлар – ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар, радиоэшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиши;

Саноат намуналари – саноат маҳсулотининг ташқи кўринишини ҳимоя қилиши;

Фойдали моделлар – маҳсулотларнинг функционал сифатини яхшилайдиган техник ечимларини ҳимоя қилиши;

Ихтиролар – маълум бўлганлардан сезиларли даражада фарқ қиладиган янги техник ечимларни ҳимоя қилиш.

Савдо белгилари – товарлар ва хизматларни идентификация қилувчи белгиларни ҳимоя қилиши белгиланган.

¹ “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-560-сон Қонуни

² “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” 2006 йил 20 июлдаги 42-сон Қонуни

Бундан ташқари, виртуал майдонда ахборотни сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши ривожланган давлатларда турли хил талқин қилинади.

Хусусан, **Европа иттифоқида** Умумий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги регламент (ГДПР): Дунёдаги энг қатъий ва кенг қамровли маълумотларни ҳимоя қилиш қонунларидан биридир. Европа Иттифоқи фуқароларига шахсий маълумотларига нисбатан муҳим ҳуқуқлар беради ва ушбу маълумотларни қайта ишловчи компанияларга қаттиқ талабларни қўяди.

Секторли ёндашув Америка Қўшма Штатларида маълумотларни ҳимоя қилиш иқтисодиётнинг турли соҳаларини (молия, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация ва бошқалар) қамраб олувчи кўплаб федерал ва штат қонунлари билан тартибга солинади ва бунда шартномавий муносабатларнинг роли АҚШда ахборотни сақлашни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Кўпгина компаниялар фойдаланувчиларга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш учун хизмат кўрсатиш шартларидан фойдаланадилар. Шунингдек АҚШда ақлли хавфсизлик тамойили мавжуд бўлиб унда кўплаб қонунлар компаниялардан оқилона чораларни қабул қилишни талаб қилади.³

Россия Федерациясида маълумотларни сақлашни тартибга солиш ҳам фуқаролик, ҳам маъмурий ҳуқуқ билан амалга оширилади.

Хитой Халқ Республикасида давлат Интернет ва маълумотларни ҳимоя қилишни тартибга солишда асосий рол ўйнайди.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, турли мамлакатларда ахборотни сақлашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ҳам умумий хусусиятларга, ҳам сезиларли фарқларга эга. Глобаллашув ва рақамли технологияларнинг ривожланиши ушбу соҳадаги қонунчилик ва халқаро ҳамкорликни янада уйғунлаштиришни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, катта ҳажмдаги маълумотлар ва сунъий интеллект ҳаётимизнинг тиббиётдан тортиб молиягача бўлган кўплаб соҳаларида инқилоб ясамоқда.

Сунъий интеллект соҳасидаги тадқиқотлар 1956-йилда бошланган бўлса-да, уларнинг фалсафий илдизлари анча қадимга бориб тақалади. Машина фикрлаш қобилиятига эга бўлиши мумкинми, деган савол узоқ тарихга эга. Бу масала дуалистик ва материалистик қарашлар ўртасидаги фарқлар билан чамбарчас боғлиқдир. Дуализм нуктаи назаридан, фикр моддий эмас (ёки ҳеч бўлмаганда

³ Умумий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги регламент (ГДПР).

моддий хусусиятларга эга эмас), шу сабабли ақлни фақатгина физик тушунчалар ёрдамида тушунтириб бўлмайди.

Бошқа томондан, материализм ақлли тафаккурни жисмоний жиҳатдан тушунтириш мумкинлигини таъкидлайди, шу билан бирга сунъий равишда яратилган ақлларнинг мавжуд бўлиши имкониятини очиқ қолдиради.

Бироқ, уларнинг ривожланиши билан чуқур таҳлил ва ечимини талаб қиладиган янги ва мураккаб ҳуқуқий муаммолар юзага келмоқда.

Шахсий маълумотларни ҳимоялаш, шахсга доир маълумотларни кенг миқёсда тўплаш ва қайта ишлаш маълумотлар субъектларининг розилиги, қайта ишлаш мақсадлари, маълумотларнинг хавфсизлиги ва уларни сақлаш масалалари очиқлигича қолмоқда.

Глобал ахборотлашув ва ахборотлашган жамият барпо этишнинг замонавий шароитида ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Улардан ҳар томонлама кўп мақсадли фойдаланиш ҳозирги вақтда нафақат коммуникациянинг асосий усули, бизнес операцияларини олиб бориш усули, ўз-ўзини ифодалаш воситаси, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳаси бўлган виртуал маконнинг пайдо бўлишини келтириб чиқаради.

ХУЛОСА

Замонавий илм-фанда турли хил электрон қурилмалардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ижтимоий муносабатлар соҳасини белгилаш учун “кибермакон”, “тармоқ макони” “интернет муҳити” “виртуал макон” атамалари қўлланилади ва шу каби сўнгги атама - виртуал макон - меъёр ва илмий турмушда фойдаланиш учун энг мос келади.

Замонавий илм-фанда виртуаллик ва виртуал макон феноменлари етарлича ранг-баранг ва тўлиқ, асосан, фалсафий ва сиёсий нуқтаи назардан ўрганилган (О.Е.Баканский, А.Ерменко, Д.В.Иванов Е.Э.Чеботарева)

Сўнгги йилларда тадқиқотчилар виртуал маконни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқиш муҳимлигини эътироф этган ҳолда, унинг айрим жиҳатларини ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, муносабатлар юрисдикциясини аниқлаш, ахборот хавфсизлиги, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқалар нуқтаи назаридан ўрганмоқдалар.

Хусусан, И.М. Рассолов интернет концепцияси нуқтаи назаридан виртуал кенглик ҳуқуқи назариясини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган.

Р.В.Шагиева ўзинин “Замонавий жамиятда сунъийлик концепцияси” асарида “ахборотлашган жамият икки олам - бизга хос бўлган жисмоний олам ва инсон томонидан яратилган ва сунъий компьютер муҳитида мавжуд бўлган

виртуал оламнинг биргаликда мавжудлиги билан тавсифланади” деб таъкидлайди.

Виртуаллик феномени сўнгги вақтларгача асосан фалсафа фанининг ўрганиш мавзуси бўлиб келган

Бугунги кунда виртуаллик феномени социология, иқтисодиёт, педагогика ва бошқа фанлар нуқтаи назаридан ҳам ўрганилмоқда.

Р.В.Шагиева виртуал маконни “объектларнинг, жараёнларнинг ва жисмоний дунёнинг ахборот-коммуникация тизимлари компьютерлари хотирасига боғланган умумий кўриниши” деб таърифлайди

А.Абдужалилов виртуал маконни "жисмоний объектлар, ҳодисалар, жараёнлар ва алоқаларнинг умумий кўриниши" деб таърифлайди,

Бизнинг фикримизча, “виртуал макон” атамасини ҳам юридик фанда, ҳам норматив ҳужжатларда ҳуқуқий тартибга солиш объектини белгилашда қўллаш мумкин.

Бундан ташқари, қуйидаги келтирилган саволлар ҳам бир қатор саволларни келтириб чиқаради.

Сунъий интеллект алгоритмлари томонидан яратилган натижалар муаллифи ким?

Бундай натижалар учун интеллектуал мулкни қандай ҳимоя қилиш мумкин?

Сунъий интеллект моделларини ўқитиш учун муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган маълумотлардан фойдаланиш қонунчиликка тўғри келадими?

Сунъий интеллектнинг генератив моделлари билан яратилган асарларга муаллифлик ҳуқуқи қандай ҳимоя қилинади шу каби саволлар юзасидан ҳозирги кунда аниқ бир жавоб мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келишига қуйидагилар асос бўлади:

ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларининг давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ёки қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилиши;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг ўзга шахсга ўтиши шартларини ўз ичига олган олди-сотди шартномаси ёки бошқа битим;

мерос олиш.⁴

⁴ “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-560-сон Қонуни

Қонунда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ушбу таърифлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, фазо материянинг бирор нарсани сиғдира оладиган узунлик ва ҳажм мавжудлиги билан тавсифланган ҳолатидир. Шу сабабли ҳозирги кунда қонунчилигимизда виртуал маконнинг ҳуқуқий асосини яратиш виртуал макондаги турли ҳил мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона тартиб таомилини белгилаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 7 августдаги 622-сон қарори <https://lex.uz/acts/3855599>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-560-сон Қонуни <https://www.lex.uz/docs/83472?>
3. “Виртуальное пространство как новая юридическая конструкция к постановке проблемы” Н.Н.Телешина